

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/ Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДЖИБАЕВА ДИЛБАР АХМЕДОВНА

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЧЕТ ТИЛИ
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
(немис тили мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (немис тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Таджибаева Дилбар Ахмедовна

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг чет тили коммуникатив
компетенциясини шакллантириш (немис тили мисолида) 3

Таджибаева Дилбар Ахмедовна

Формирование иноязычной коммуникативной компетенции у детей
младшего школьного возраста (на примере немецкого языка) 23

Tadjibaeva Dilbar Akhmedovna

Formation of Foreign Language Communicative Competence in Primary
School Children (on the Example of the German Language) 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДЖИБАЕВА ДИЛБАР АХМЕДОВНА

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЧЕТ ТИЛИ
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
(немис тили мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (немис тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2019.4.PhD/Ped207 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (uzswlu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Бакиева Гуландом Хисамовна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Умарходжаев Мухторхужа**
филология фанлари доктори, профессор

Илиева Лола Камоловна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Якубов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси в.б., филол.ф.д., профессор

Х.Б. Самигова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Л.Т.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, пед.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда немис тилини ёшлиқдан психологик, педагогик ва физиологик тадқиқотларга асосланиб ўқитишда когнитив ва метакогнитив кўникмаларини ҳамда тил ва нутқ, ижтимоий-маданий, ўқиб-тушуниш, компенсатор каби коммуникатив компетенцияларини шакллантиришга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Дунёда чет тилларни ўқитишда ўзининг ўқув дастурларини, дарсликларини мактаб, федерал ерлар томонидан танлаш, чет тили (ЧТ)ни ўқитиш сиёсатини такомиллаштириш, камида уч хорижий тилда мультилингвизм фалсафасини ривожлантириш, тилга оид (лисоний), ижтимоий-маданий, ўқиб-тушуниш, маданиятлараро, ўқув-стратегик ва китобхонлик компетенциялари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Европа мамлакатларида кичик ёшдаги болаларнинг чет тили коммуникатив компетенциясини шакллантиришда ўрганилган таълим методлари, ёндашувлар, таълимий ва ахборот-техник воситалар ҳамда ўқитиш стратегиялари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан мулоқотлараро ёндашув асосида шахсга йўналтирилган, мультисенсор, фан-тил интеграциялашган ўқитишга кўмаклашадиган инновацион услуб ва технологиялар ёрдамида ўқув ва когнитив мотивацияларни ривожлантириш, ўқувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилиш ва рефлексия (Selbstreflexion Selbstkontrolle, Selbstevaluation) кўникмаларини шакллантириш, муқобил аутентик ўқув адабиётларини жорий қилишга оид янада чуқурроқ изланишлар олиб борилишининг чет тилларида, хусусан, немис тилини ўқитишда заруриятини изоҳлайди.

Мамлакатимизда бошланғич таълим тизимига оид кенг миқёсидаги ислохотлар татбиқ этилмоқда. Жумладан, немис тилини ўқитишда инновацион технологияларидан фойдаланиш кичик ёшдаги ўқувчиларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришда муҳим вазифаларидан биридир. Бу ўзгаришлар, бир томондан, халқ таълими тизимидаги ислохотлар, бошқа томондан эса, Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлигининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани билан боғлиқ. «Мактаб таълимида самарали немис педагогик технологияларидан фойдаланиш, немис тили чуқурлаштириб ўқитиладиган мактаблар тармоғини кенгайтириш ва Германиянинг етакчи олий таълим муассасалари билан алоқаларни ривожлантириш» каби муҳим вазифалар белгиланди¹. Бунда хорижий тилларни фанлараро экспериментлар орқали ўқитиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон фармонлари, 2019 йил 3 майдаги «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

¹ Мирзиёев Ш.М. Официальный визит Президента Республики Узбекистан в Федеративную Республику Германия. 20-22 января 2019г. <http://uza.uz/ru/politics/uzbekistan-germaniya-s-obojudnym-stremleniem-k-dalneyshemu-u-22-01-2019>.

ПҚ-4306-сон, 2019 йил 20 февралдаги «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4199-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 апрелдаги 281-сон «Умумтаълим мактаблари учун муқобил дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш тизимига босқичма-босқич ўтиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий тилларни ўқитиш методикасининг назарий ва амалий масалаларини Г.Х.Бакиева, Г.Т.Махкамова, А.М.Қўлдошев, Ж.Ж.Жалолов, Л.Т.Ахмедова, М.С.Дадаходжаева, И.Н.Верещагина, И.Л.Бим, Н.Д.Гальскова, Bleyhl Werner, Börner Otfried каби тадқиқотчилар ўрганишган².

Бошланғич таълим тизимида чет тилини ўқитиш ва кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг тил компетенцияларини шакллантириш масалалари О.В.Абдувалиева, Ғ.Ш.Таджибаев, Т.Г.Гончарова, Г.А.Цукерман, Franceschini Rita, Böttger Heiner сингари олимлар тадқиқотларида ўз аксини топган³.

Чет тил ўқитишга коммуникатив компетенциясининг моҳияти К.П.Зайцева, Е.В.Красильникова, Л.В.Трубайчук, В.П.Федорова, А.В.Хуторской, Н.Вreuer, David Marsh, Mirjana Simic, Beate Widlok ва бошқаларнинг илмий изланишларида очиб берилган⁴.

² Бакиева Г.Х., Махкамова Г.Т., Қўлдошев А. English 3. – Ташкент, 2007; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. – Ташкент: Fan va Texnologiya, 2013. – 200 с; Жалолов Жамол. Чет тил ўқитиш методикаси. Тошкент: Ўқитувчи нашриёти. 2012. – С. 429; Jalolov J.J., Makhkamova G.T., Ashurov Sh.S. English language Teaching methodology. – Tashkent: Fan va Texnologiya. 2015; Дадаходжаева М.С. Учебные комплексы и значения упражнений и заданий в них. // Иностранные языки в Узбекистане. Научно-методический электронный журнал. Ташкент. – № 3 (22). – 2018. – С. 107-108; Верещагина И.Н. Методика обучения английскому языку на начальном этапе в общеобразовательных учреждениях. – М.: Просвещение, 2000. – 232 с.; Бим И.Л. Теория и практика обучения немецкому языку в средней школе. – М.: Просвещение, 1988. – С. 12–13; Гальскова Н.Д. Теория обучения иностранным языкам. – М.: Академия, 2004. – 335 с.; Bleyhl, Werner. Theoretische Grundlagen. Fremdsprachen in der Grundschule. Grundlagen und Praxisbeispiele.Schroedel. – Hannover. 2000; Börner Otfried Fremdsprachenlernen in der Grundschule: die Hamburger KESS-Studie. In: Engel et al.(Hrsg.), 2009. – 175 S.

³ Абдувалиева О.В. Методика обучения английским модальным глаголам учащихся 5-9-классов общеобразовательных школ (на базе компьютерных технологий): Дис...канд.пед.наук. – Т., 2004. – 238 с.; Таджибаев Ғ.Ш. Бошланғич синф ўқувчиларига чет тил ўқитишда коммуникатив ёндашув (инглиз тили): Дис...док.филос. (PhD). – Т., 2019; Гончарова Т.Г. Обучение иностранным языкам детей дошкольного и младшего школьного возраста в системе единых требований: Автореф.дис...канд. пед. наук. – М., 2003. – 16 с.; Цукерман Г.А. Как младшие школьники учатся учиться? – Москва-Рига, 2000. – 222 с.; Franceschini Rita. Früher Spracherwerb und frühes Lernen: Wie nutzen wir die Chancen? Ministerium für Bildung, Familie, Frauen und Kultur des Saarlandes: Mehrsprachiges Aufwachsen in der frühen Kindheit. Band 1. – Weimar. Verlag das Netz. – S. 13-20.; Böttger Heiner. Fortschritte im frühen Fremdsprachenlernen. Ausgewählte Tagesbeiträge. – Nürnberg. 2007. München: Domino. – S. 117-120.

⁴ Зайцева К.П. Об актуальности формирования коммуникативных способностей в учебной деятельности младших школьников. URL: <http://www.emissia.org/ofPline/2011/1552.htm> (дата обращения: 07.04.2018); Красильникова Е.В. Иноязычная коммуникативная компетенция в исследованиях отечественных и зарубежных ученых.// Филология. – № 1. 2009.; Трубайчук Л.В. Теоретические основы развития и становления личности младшего школьника в образовательном процессе. Дис...док.пед.наук. – Челябинск, 2000. – 337 с.; Федорова В. П. Формирование

Муаммонинг ўрганилиши ва таҳлили шундан далолат берадики, республикамизда бошланғич таълим тизимида немис тилини ўргатишнинг чет тили коммуникатив компетенция (ЧКК)ларини шакллантиришга оид методика юзасидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар етарли эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари» банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади немис тилида кичик мактаб ёшидаги болаларнинг чет тили коммуникатив компетенциясини шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

A1 даражаси бўйича Давлат таълим стандартлари, дастурлар, немис тили дарсликлари, ўқув-услугий мажмуаларини таҳлил қилиш;

кичик мактаб ёшидаги болаларда немис тилини ўқитишнинг психофизиологик асосларини ўрганиш;

бошланғич таълимда немис тилини ўқитишда қўлланиладиган замонавий ёндашув ва методларни аниқлаш;

чет тили коммуникатив компетенциясининг мазмунини аниқлаш ва кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг коммуникатив компетенцияларини шакллантириш учун метод ва ёндашувларни аниқлаштириш;

кичик мактаб ёшидаги болаларда чет тили коммуникатив компетенциясини шакллантириш бўйича машқ ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш, тил портфолиосини яратиш;

педагогик тажриба ўтказиш ва бошланғич синф немис тили ўқитувчилари учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кичик мактаб ёшидаги болаларнинг немис тилида коммуникатив компетенциясини шакллантириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети кичик мактаб ёшидаги болаларнинг немис тили коммуникатив компетенциясини шакллантириш мазмуни, шакл, воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (қиёсий-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойихалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

нарративной компетенции как способа моделирования вторичного языкового сознания (Английский язык, языковой вуз): Дис...канд.пед. наук. – Москва, 2004. – 194 с.; Breuer H. Lernschwierigkeiten am Schulanfang. – Beits Weinheim/Basel, 1994. – 135 с.; Coyle D., Hood P., Marsh D. CLIL: Content and Language Integrated Learning. Cambridge: Cambridge University Press. 2010; Simic Mirjana, Spielend Sprache lernen. Praxisbaustein. Deutsch als Zweitsprache in der Grundschule. Goethe-Institut, 2005. – С. 28-32; Widlok Beate, Petravić Ana, Org Helgi, Romcea Rodica. Nürnberger Empfehlungen zum frühen Fremdsprachenlernen. Neubearbeitung. Goethe-Institut München e.V., 2010. – 40 с.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

немис тилида кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг А1 даражадаги нутқий фаоллигини баҳолаш мезонлари коммуникатив компетенциясининг дифференциал кўрсаткичлари орқали такомиллашган;

мулоқотлараро ёндашув бўйича TPR (тўлиқ жисмоний фаолликка йўналтирилган), CLIL (фан ва чет тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш), нарратив услублари орқали немис тилини ўзлаштиришда тил, нутқ, ижтимоий-маданий, ўқиб-тушуниш ва компенсатор компетенциялари ривожланиши аниқланган;

кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг немис тилидаги мулоқотида қийинчиликлар типологияси (аниқ ва ноаниқ артикларнинг ишлатилиши, ундошлар талаффузи, тез хотирадан чиқариш, тасаввур беқарорлиги бўйича нутқий, тил ва ўқиб-тушуниш)ни аниқлаш орқали рефлексив-коррекцион технологияси такомиллашган;

бошланғич таълим босқичида немис тили коммуникатив компетенциясини шакллантиришнинг методик таъминоти ўқувчининг биринчи тил портфолиоси, компетентликка йўналтирилган машқлар ва ўйинлар асосида такомиллашган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

компетенцияга йўналтирилган машқлар тизими ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчилари учун «Mein erstes Sprachenportfolio» («Менинг биринчи тил портфолио») яратилган;

бошланғич синф немис тили ўқитувчилари «Болалар учун чет тили» учун методик тавсиялар ҳамда республика умумтаълим мактаблари 1-синфи учун «Deutsch mit Spaß 1» ўқув-методик мажмуаси нашр этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда услублар, усуллар ва назарий материаллардан фойдаланиш, кичик мактаб ёшидаги болаларда хорижий тил коммуникатив компетенцияси шаклланиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг психологик ва дидактик омилларини ёритиш, таҳлил натижалари, хулосалар ва тажриба-тадқиқот ишлари самарадорлигини математик-статистик услублар билан асослангани, хулосалар ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши, шунингдек, эришилган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чет тилларни ўқитиш тизимида тилга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси, хорижий тилни эрта ўқитишнинг босқичлари ва тамойиллари, кичик мактаб ёшидаги болаларда чет тили коммуникатив компетенциясини шакллантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган компетенцияга йўналтирилган машқлар тизими, бошланғич синф ўқувчилари учун яратилган «Mein erstes Sprachenportfolio» («Менинг биринчи тил портфолио») ҳамда 1-синфи учун «Deutsch mit Spaß 1» ўқув-методик мажмуасидан чет тили ўқитувчиларининг малака оширишда, бўлажак немис тили ўқитувчиларини тайёрлашда ҳамда соҳа бўйича янги авлод дарсликларини яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик мактаб ёшидаги болаларда хорижий тил коммуникатив компетенциясини шакллантириш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий натижалар асосида:

тил компетенциясининг дескрипторлари асосида такомиллашган немис тилида кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг А1 даражадаги нутқий фаоллигини баҳолаш мезонларига оид дифференциал кўрсаткичларидан S-Uz800-15-GR-033-рақамли «ХТ тизимидаги чет тили ўқитувчилари мактабини ривожлантириш» ҳамда Гёте-Институти ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда ўтказилган «Немис тили болалар учун» мавзусидаги инновацион лойиҳаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 февралдаги 89-03-819-сон маълумотномаси; Гёте-Институтининг 2019 йил 16 сентябрдаги 19/261-сон маълумотномаси). Натижада немис тилини ўқитишнинг методик-дидактик тамойиллари оммалаштирилган;

мулоқотлараро ёндашув бўйича TPR (тўлиқ жисмоний фаолликка йўналтирилган), CLIL (фан ва чет тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш), нарратив услублари орқали ривожланиши аниқланган немис тилини ўзлаштиришда тил, нутқ, ижтимоий-маданий, ўқиб-тушуниш ва компенсатор компетенцияларидан 1- ва 3-синфлар учун немис тили дарсликларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Deutsch mit Spaß 1. 1-синф учун немис тили дарслиги. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 128б.; Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2019 йил 14 августдаги 01/11-01/7-1838-сон маълумотномаси). Натижада немис тилида компетентликка йўналтирилган машқлар тизими ишлаб чиқилган;

кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг немис тилидаги мулоқотида такомиллашган қийинчиликлар типологияси (аниқ ва ноаниқ артикларнинг ишлатилиши, ундошлар талаффузи, тез хотирадан чиқариш, тасаввур беқарорлиги бўйича нутқий, тил ва ўқиб-тушуниш)нинг рефлексив-коррекцион технологиясидан «5120100 – Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил» бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 89-03-1164-сон маълумотномаси). Натижада «Болалар учун чет тили» бошланғич таълим ўқитувчилари учун методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

бошланғич таълим босқичида ўқувчининг биринчи немис тили портфолиоси, компетентликка йўналтирилган дидактик машқлар ва ўйинлар асосида такомиллаштирилган немис тили коммуникатив компетенциясини шакллантиришнинг методик таъминотидан SUZ800-16-GR-024-рақамли «Innovative toolkit for assessing young learners progress» амалий лойиҳада фойдаланилган (Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг 2019 йил 5 сентябрдаги 10-06/119-сон маълумотномаси). Натижада «Learning Stations» материаллар тўплами ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш, жумладан, республика умумтаълим мактабларининг 1-синфи учун немис тили бўйича ўқув-услубий мажмуа, чет тили ўқитувчилари учун 1 та услубий қўлланма, 2 та ўқув-услубий тавсиянома, бошланғич мактаб ўқувчилари учун 2 та Тил портфолиоси чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда тадқиқотга оид 6 та мақола, жумладан 4 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 3 та гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 138 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг танланиши, унинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари белгиланган; тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йуналишларига мослиги кўрсатилган; тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти таърифланган; тадқиқот натижаларининг жорий қилингани, синалгани, эълон қилингани, диссертациянинг ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бошланғич чет тили таълимининг назарий-методик асослари**» деб номланган биринчи бобида республикада бошланғич чет тили таълими вужудга келиш босқичлари, шунингдек, улар трансформациясига таъсир кўрсатган омиллар таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Давлат таълим стандартлар (ЎЗДТС)ининг «Таълимнинг барча бўғинларида битирувчиларнинг чет тилига оид тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар» қондаси учун асос бўлиб хизмат қилган Умумевропа компетенциялари ёшлар ва нисбатан катта ёшли кишиларга хорижий тилни ўқитиш ва ўргатишда тавсифий хусусиятга эгадир⁵. Хорижий тилларни эрта ўқитишга дахлдор вазиятларда эса чет тилини эгаллашнинг Умумевропа компетенциялари 4 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларни хорижий тилга ўқитишда уларда ҳосил бўладиган компетенция, кўникма ва малакаларни белгилаб бера олмайди⁶. Бу ёшдаги гуруҳлар учун «Кенгаш, ахборот ва суҳбатлар бўйича Кўмита» (нем. «Der BIG-Kreis: Beratungs- Informations- und Gesprächskreis»), «Европа маркази тилга оид компетенциялар дескрипторларининг репрезентатив мисоллар тўплами: 7-10 ёш» (ингл. Eurocentres Collated Representative Samples of Descriptors of Language Competences Developed for young Learners. Volume 1: Ages 7-10)⁷ сингари шаклланган қоидалар стандарт вазифасини ўташи мумкин.

⁵ Общеввропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, обучение, оценка. Департамент по языковой политике, Страсбург. – М: Типография Сарма, 2005. – С. 7.

⁶ ELLiE. Early Language Learning in Europe, Edited by Janet Enever. British Council. 2011. – P. 11

⁷ Tunde Szabo. Eurocentres Collated Representative Samples of Descriptors of Language Competences Developed for young Learners. Volume 1: Ages 7-10. Council of Europe. 2018. – С. 24-56.

Ушбу қоидалар ҳам 120 соат машғулот давомида кичик мактаб ёшидаги болалар қандай компетенцияларни ривожлантира олишлари мумкинлигини мўлжаллашга хизмат қилади (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Яқин ва узоқ хориж мамлакатларида бошланғич мактабда чет тилини ўрганиш

Мамлакат	1-4 синфда ЧТ ўрганишга ажратилган соатлар (6-7-10 ёшли ўқувчилар)		ЧТ ни эгаллашнинг маълум даражасига эришиш	Компетенциялар
	хафтасига	ўқув йилида	жами соатлар миқдори	
Ўзбекистон	1-синф – 2 2-синф – 2 3-синф – 2 4-синф – 2	1-синф – 66 2-синф – 68 3-синф – 68 4-синф – 68	A1 – 270 с.	Коммуникатив компетенция/лингвистик, социоллингвистик, прагматик.
Россия (ЧТ чуқурлаштириб ўқитиладиган мактабларда).	1-синф – 2 2-синф – 2 3-синф – 2 4-синф – 2	Соатлар миқдори ўқув режа, мактабга боғлиқ ҳолда вариантланади.	CEFR концепциялари ёки «Мала-калар йўналиши» BIG-Kreis бўйича ЧТ эгаллашнинг муайян даражасини назарда тутмайди.	Умумий компетенциялар, коммуникатив компетенциялар. (ЧТни ўқитиш кўпроқ 2-синфдан бошланади).
Германия (1-чи синфдан мажбурий ҳисобланмайди).	1-синф – 2 2-синф – 2 3-синф – 2 4-синф – 2	Соатлар миқдори ўқув режа, мактаб, федерал ерларга боғлиқ ҳолда вариантланади.	A1 – тахминан 250-300 соатни ташкил қилади.	Умумий компетенциялар, маданиятлараро, тилга оид, нутқий, ўқув-стратегик, китобхонлик компетенциялари.
Англия (мажбурий ҳисобланмайди).	3-6 синф (7 ёшдан) – 2-3 соат	100-110	A1 – тахминан 300 соатни ташкил қилади.	Умумий компетенциялар, маданиятлараро, тилга оид, нутқий, ўқув-стратегик, китобхонлик компетенциялари.
Франция (биринчи синфдан мажбурий ҳисобланмайди).	1-синф – 2 2-синф – 2-3 3-синф – 2-3 4-синф – 2-3	50-60 50-60 50-60 50-60	A1 – тахминан 230-250 соатни ташкил қилади.	Умумий компетенциялар, маданиятлараро, тилга оид, нутқий, ўқув-стратегик, китобхонлик компетенциялар.
Гёте-Институт Тошкент. Болалар учун тил курслари	A1. 1 – 4 A1. 2 – 4 A1. 3 – 4 A1. 4 – 4	75 с. триместр 75 с. 75 с. 75 с.	A1 – 300 с. *1 триместр – 2,5 ой.	Умумий компетенциялар, коммуникатив ижтимоий-маданий, компенсатор, ўқув-стратегик, китобхонлик компетенциялар.

Немис тилида кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг A1 даражадаги нутқий фаоллигини баҳолаш мезонлари тил компетенциясининг дескрипторлари асосида ишлаб чиқишни тақозо этади. Бошланғич мактаб ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини шакллантириш даражасини аниқлаш учун илмий ишда мезонлар кўриб чиқилди ва унга ўзлаштириш

даражалари (паст, юқори ва ўрта) аниқланди. Фикримизча, юқоридаги бошланғич мактаб болаларидаги чет тили коммуникатив компетенцияси (ЧКК) барча таркибий қисмларининг шаклланиш даражасидаги фарқларни етарлича акс эттиради (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг коммуникатив компетенциясининг шаклланиш дифференциал кўрсаткичлари

Даража	ЧКК компонентлари	Мезонлар
Юқори даража	ўқиб-тушуниш компетенцияси	ўқувчида синфдошлари билан мулоқотга киришиш қизиқиши уйғонади; ўқувчи ўқув мулоқот жараёнида фаол, мустақил бўлади; фаолликнинг юқори даражаси ва ўқув мотивацияси.
	тил компетенция	нутқнинг интонацион хусусиятларига эга, пауза ва мантикий урғуга амал қилади.
	ижтимоий-маданий компетенция	немис тилида сўзлашадиган мамлакатларда тенгдошлар дунёси билан танишади; ушбу мамлакатларнинг маданияти ва анъаналарини ҳурмат қилади; кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг нутқ қобилиятлари доирасида турли хил ролларни бажариб, бошқалар билан қандай муносабатда бўлишни билади.
	компенсаторлик компетенция	тил тахминларини ишлатади; оғзаки бўлмаган алоқа воситаларидан фойдаланади; сўзларнинг маъносини очиб бериш техникасига эга.
	нутқ компетенцияси	эшитиш орқали нутқни тушунади; содда нутқни эшитганда тушунади; тўлиқ тушунган билдиргандек эътибор қаратади; содда коммуникатив вазифаларни муваффақиятли бажариш учун мос тил воситаларини танлаш қобилиятига эга бўлади.
Ўрта даража	ўқиб-тушуниш компетенцияси	мулоқотга интилиш, аммо муваффақиятли мулоқотга тўсқинлик бу – алоқа шароитида ҳаракат қила олмаслик ва мулоқот натижаларига танқидий муносабатда бўлиш; яққол намоён бўлмайдиган ўқув мотивацияси.
	тил компетенция	нутқнинг интонацион хусусиятларига, талаффуздаги кичик хатоларга ва мантикий урғусини тўғри қўя олмайди.
	ижтимоий-маданий	немис тилида сўзлашадиган мамлакатларнинг маданияти ва анъаналарини тушунади.
	компенсаторлик компетенция	оғзаки бўлмаган алоқа воситаларидан фойдалана олмайди.
	нутқ компетенцияси	содда нутқни такрор мулоқот қилганда тушунади; ўқитувчи/шериги ёрдами билан новербал равишда эътибор қаратади, содда коммуникатив вазифаларни бажариш учун мос тил воситаларини ҳар доим ҳам танлай олмайди.
Қуйи даража	ўқиб-тушуниш компетенцияси	шахслараро ўзаро муносабат жараёни сифатида мулоқотга қизиқишнинг заиф ифодаси; таълим мотивациясининг пастлиги.
	тил компетенция	интонация, урғу, талаффуз билан боғлиқ муоммолар.
	ижтимоий-маданий компетенция	немис тилида сўзлашадиган мамлакатларнинг маданияти ва анъаналарини тушунмайди; синфдошларни нотўғри баҳолайди.
	компенсаторлик компетенция	ўқувчи бошқалар билан бемалол мулоқот қила олмайди; мажорали вазиятларда ўзини бутунлай ёқатади.
	нутқ компетенцияси	элементар гапларга жавоб бермайди; тўлиқ тушунмовчиликни кўрсатади; элементар коммуникатив муаммони ҳал қилиш учун етарли тил воситаларини танлай олмайди.

Ушбу мезоннинг дифференциал кўрсаткичларига мувофиқ, немис тилини ўқитиш жараёнини ўрганиш ва 1-4-синф ўқувчиларининг чет тили коммуникатив компетенциясини шакллантириш даражасини аниқлаш мақсадида республиканинг немис тилида дарс берадиган умумтаълим мактабларида синовдан ўтказилди.

Болаларда ЧККси шаклланганлик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш доирасида кичик мактаб ёшидаги болалар билими немис тилини ўқувчининг ўқиш жараёнидаги натижаларини қайд қилиш имконини берадиган тил эгаллаш даражалари тизимига мувофиқ эгаллаши мумкин бўлган даражасига (ЎзДТС /CEFR) мос келмаслиги аниқланди. Бошланғич чет тили таълимининг назарий-услубий асослари умуман «Чет тили» фанига нисбатан шакллантирилган ва хусусан чет (немис) тилини ўқитишда фанга қўйиладиган талабларга ҳамда уларни амалга ошириш имкониятларига номувофиқлигини кўрсатиб беради.

Немис тилини ўқитишда ҳисобга олиш зарур бўлган кичик мактаб ёшидаги болаларнинг психофизиологик хусусиятларини етарлича билмаслик, хорижий тилни ўқитишнинг илк босқичидаги ўзига хосликларни етарлича билмаслик, методик тайёргарлик етарли эмаслиги, кичик мактаб ёшидаги болаларда ЧККларини шакллантиришга кўмаклашадиган ўқитиш услубларини билмаслик каби чет тили ўқитувчиларининг камчилик ва нуқсонларини қайд қилиш мумкин. Шунингдек, ЧККни ривожлантириш жараёнининг кўп омилли эканлиги исботланган.

«Чет тили коммуникатив компетенцияси» тушунчаси кичик ёшдаги ўқувчиларда айна компетенциянинг ўзига хослик хусусиятлари ва болаларда шаклланиш шарт-шароитларига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда немис тили ўқитиш жараёнида чет тили коммуникатив компетенцияларини шакллантиришни изоҳлайди. Ҳозирги пайтда ЧККни шакллантиришга мақсад ва ўқитишдан кўзланган натижа сифатида элементар коммуникатив компетенция кичик мактаб ўқувчисининг ўрганилаётган хорижий тилда гаплашадиган шахслар билан муайян типик вазиятлар ва мулоқот соҳасига хос чегараланган доирада оғзаки ёки ёзма ўзаро шахсий ва маданий муносабатларга киришиш қобилияти ва шунга тайёрлигини билдиради. ЧККсининг барвақт шаклланиши самарадорлиги кўп жиҳатдан чет тилини ўқитишда қандай технологиялардан фойдаланилишига боғлиқ. Хорижий тил, жумладан, немис тили ҳам мактабда ўқитиладиган фан сифатида кенг имкониятлар яратади.

Тадқиқотда ЧККларни шакллантиришнинг турли моделлари, унинг тузилмавий таркиби вариативлигини таҳлил қилиш, шунингдек, ЧКК таркибий қисмлари тавсифи ва кичик ёшдаги ўқувчиларда коммуникатив компетенция шаклланганлик мезонларини ўрганишни тақозо этади. ЧККсининг таркибий қисмлари қўйидаги қоидаларга асосланилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Чет тили коммуникатив компетенциясининг таркибий қисмлари⁸

Диссертациянинг «Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни ўқитиш жараёнида чет тили коммуникатив компетенциясини шакллантириш методикаси» деб номланган иккинчи бобида хорижий тил коммуникатив компетенцияси шаклланишининг мазмуни, кўриниши ва воситалари билан боғлиқ масалалар ўрганилган.

Немис тили бўйича таълимнинг бошланғич босқичи учун мавжуд ўқув ва ўқув-методик адабиётлар таҳлили, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларидаги коммуникатив компетенциянинг айрим таркибий қисмлари, жумладан, ўқиб-тушуниш, ижтимоий-маданий ва компенсатор компетенцияларни шакллантиришга лозим даражада эътибор қаратилмаётгани ва немис тили бўйича ўқув-методик адабиётларни кичик мактаб ёшидаги болаларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантиришга оид аниқ мақсадга йўналтирилган топшириқлар билан тўлдириш зарурлиги аниқланди.

Чет тилларга эрта ўқитиш концепциясининг ёндашувлари, шакллар ва ўқитиш воситалари, уларнинг вариативлиги, тез-тез алмаштириб туришдан кенг кўламда фойдаланишни тақозо этади. Шу сабабли илмий ишда чет тилини эрта ўқитишнинг TPR – Total Physical Response (тўлиқ жисмоний фаолликка йўналтирилган методи), CLIL – Content and Language Integrated Learning (фан ва чет тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш), нарратив (хабар қилиш) ёндашуви, лойиҳа методи ва ўйин методи кабиларга алоҳида аҳамият қаратилди. Мулоқотлараро ёндашув бўйича TPR, CLIL, нарратив методлар асосида немис тилини ўзлаштиришда тил, нутқ, ижтимоий-маданий, ўқиб-тушуниш ва компенсатор компетенциялари ривожланиши аниқланган. (3-жадвалга қаранг):

⁸Ажратиб кўрсатилган фрагментлар кўрсатадики, бу кўникма ва малакалар ўқувчиларда умумтаълим мактабининг 2-синфидан бошлаб, таълим жараёнига ўқиш ва ёзиш каби нутқий фаолият турларини киритиш орқали шакллантирилади.

ЧТ ўқитиш услублари, уларнинг ўқув жараёни самарадорлигини оширишга ва компетенциялар ривожланишга таъсири

ЧТ ўқитиш услублари	Усулдан фойдаланишда талаб қилинадиган ўқув воситалари	Эрта ёшда бошлаб ЧТ ўрганишга таъсири/Мотивация
CLIL - Content and Language Integrated Learning (фан ва чет тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш:), бир вақтда иккита фанни бирлаштириб ўқитиш имконини беради.	Аутентик ўқув, кўргазмали материалларидан фойдаланиш; тажрибалар ўтказиш; дарс жараёнида «Sprachbrocken / language chunks»/ лексик блоклар ишлатиш.	ЧТ ўрганишда ўқувчи кузатади, кашф этади, тадқиқотлар ўтказиши, барча хис туйғуларини ишга солган ҳолда ўрганади.
TPR - Total Physical Response – (тўлиқ жисмоний фаолликка йўналтирилган метод) – буйруқлар/кўрсатмалар ва жисмоний ҳаракатлар орқали чет тилини ўқитади.	Кўргазмали материал, реалаялар, болаларнинг ёшига ва қизиқишларига мос аутентик кўшиқ, ўйинлар, шеърлар.	ЧТ дарсида ўқувчи фаол иштирок этади; ўқувчи сўз бойлигини оширади; ЧТни стрессиз ўрганиш кўникмаси шаклланади.
Нарратив ёндашуви – (сўзлаб бериш), эртақлар, ҳикоялар орқали бола ўзини ўраб турган дунёни англайди ва сўз бойлигини оширади. ЧТни «имплицит» (яширин) ўрганиш.	Китоблар, ҳикоялар, эртақлар, кўргазмали материал /реалаялар; ролли ўйинлар; сўзлаб беришда – юз ифодалари, имо-ишоралар, интонация, овоз модуляцияси муҳим.	ўқувчи мураккаб тузилмаларни ва аутентик матнни тинглаб қабул қилади; ўқувчи чет тилида тасвирланган воқеаларга нисбатан ҳамдардлик билдириш кўникмасига эга бўлади.
Лойиҳа методи – педагог томонидан махсус ташкил этиладиган ва ўқувчи томонидан мустақил амалга ошириладиган, ўқувчилар учун мавжуд муаммоларга ечим бўла оладиган ва маҳсулот яратиш билан яқунладиган фаолият йиғиндиси.	Лойиҳа вазифалари, болалар манфаатига мос келадиган муаммолар режалаштириш, маҳсулот.	Ўқувчида таълим стратегиялари ва ижтимоий кўникмалари ривожланади; ўқувчи ўз фаолиятини мустақил режалаштирилади, ташкил этади ва назорат қилади.

Кичик ўқувчиларни немис тилига ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган дастурий-методик таъминоти ишлаб чиқишни тақозо этади. Мазкур методика немис тили ўқитувчилари учун лойиҳалар, семинар-тренинглар ва маслаҳат (консультация)лар ташкил қилиш, ишлаб чиқиш ва ўтказиш, бошланғич мактаб ЧТ ўқитувчилари учун методик тавсиялар ишлаб чиқиш, кичик ўқувчиларнинг чет тили коммуникатив компетенциясини шакллантириш учун компетентликка йўналтирилган топшириқлар тўпламини ишлаб чиқиш, немис тилини ўрганаётган бошланғич мактаб ўқувчилари учун тил портфолиосини ишлаб чиқиш, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда чет тили коммуникатив компетенциясини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган методикани таҳлил қилиш, синаш ва жорий этишдан иборат.

Диссертациянинг учинчи бобида «Немис тилини ўрганаётган кичик мактаб ёшидаги болаларда чет тили коммуникатив компетенцияси шаклланганлигини тажриба-синовда текшириш» кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда чет тили коммуникатив компетенциясининг шаклланиш даражасинининг ортганлиги кўрсатилган. Немис тилини ўрганаётган кичик мактаб ёшидаги болаларда чет тили коммуникатив компетенцияси шаклланганлигининг тажриба-синов орқали текширилиши натижалари келтирилган.

Тадқиқот давомида қуйидаги қоида илгари сурилган: агар кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда нутқий, тил, ижтимоий-маданий, компенсатор ва ўқиб-тушуниш кўринишларидан иборат ЧККси етарли даражада шакллантирилса, немис тилини ўқитиш жараёни самарадорлиги ошади. Тажриба-синов ишларини олиб бориш учун тадқиқотнинг суҳбат, кузатув, сўровнома ва тестлар ўтказиш каби услубларидан фойдаланилди.

Тажриба-синов таълими республиканинг 4 та худудида, яъни Тошкент шаҳридаги 112-мактаб, Қарши шаҳридаги 31-мактаб, Урганч шаҳридаги 19-мактаб ва Самарқанд шаҳридаги 51-мактаб 1-4-синфларида ўтказилди.

Тажриба-синов жараёнида кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг немис тилида мулоқот қила олиш аниқ ва ноаниқ артикларнинг ишлатилиш, ундошлар талаффузи, тез хотирадан чиқариш, тасаввур бекарорлиги бўйича нутқий, тил ва ўқиб-тушуниш қийинчиликлари аниқланган. Ушбу тадқиқотда кичик мактаб ёшидаги болаларнинг немис тилини ўрганиш жараёнидаги қийинчиликларни классификациялашга уриниб кўрилди. Қийинчиликлар типологияси чет тили коммуникатив компетенциялар билан солиштирилди. (4-жадвалга қаранг).

Шундай қилиб, тузилган қийинчиликлар типологияси кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ўқув жараёнида тўғилган қийинчиликларини ва уларнинг сабабини ўқитувчиларга тушунишга ёрдам берди. Ушбу қийинчиликлар типологияси рефлексив-коррекцион технологиясини (машқлар тизими ва компетентликка йўналтирилган вазифалар) тузишга асос бўлиб хизмат қилди. Экспериментал таълимнинг умумий натижаларига кўра, қуйидаги қийинчиликларни олдини олиш учун ушбу рефлексив-коррекцион технологияси ёрдам берди:


сўз ва содда сўз бирикмаларни талаффуз қилишда – аутентик ўйинлар «Obstsalat» («Мевали салат»), вазифалар «Vertauschte Tiere» («Алмаштирилган ҳайвонлар»), «Konsonantendiktat» («Ундош ҳарфлар диктанти»); ритмик-интонациявий хусусиятларда – аутентик ўйинлар «Fischer» («Балиқчи»), «Mein rechter Platz» («Менинг ўнг тарафимдаги ўрин»); вазифаларни бажариш талабларига риоя қилишда – «Elfchen» («11»); ўқув стратегияларни ва ўқитиш услубларини танлашда – лойиҳа вазифалари «Zauber-Schaufenster» («Сехрли раста»), «Drei Rätsel» («Уч топишмоқ»); сўзларни эслаб қолишда – «Memory» («Ёдда қолдириш»), «Vom Bild zum Satz» (Расмдан – гапга); сўзлар ва немис тили алифбоси ҳарфларининг ёзилишида «Gemeischrift» («Сирли ёзув»); тил ва мазмунан англаб етишда (Lückentext «Frühling» («Баҳор») тушириб қолдирилган сўзлар билан берилган матн, «Tierjagd» («Ҳайвонлар ови»)) ва б. (4-жадвалга қаранг):

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг немис тилини ўқиш жараёнидаги қийинчиликлари

Компетенциялар	Қийинчиликлар/ Мураккабликлар
Нутқ компетенцияси	<p>Гапириш: диалоглар тузиш орқали («Дўконда»), вазифани ифодалаш орқали («Оилангиз ҳақида гапириб беринг» , «Хонангизни тасвирланг»).</p> <p>Тинглаш: тингланган матнни етарли даражада тўғри тушунмаслик (тинглаб тушуниш қобилияти бўлмаслик: матнни қисмларга бўлиш, калит сўзларни белгилаш, режа тузиш); ўқитувчи/янги муносабат баёнотини идрок этиш; тўхташларсиз катта ҳажмдаги диалог ва ҳикояларни идрок этиш; юқори тезликда айтилган диалоглар, хабарлар, ҳикояларни идрок этиш.</p> <p>Ўқиш: матнларни овоз чиқариб ўқилганда, матнларни танловли ва батафсил тушуниш, матндаги ҳар бир сўзни глобал тушунча тамойилини ҳисобга олмаган ҳолда тушунишга уриниш.</p> <p>Ёзиш: немис тилида нутқни шакллантиришда ўз она тили нутқ тузилмасидан фойдаланиш, хат ёзиш, ўзи, дўсти, оиласи ҳақида қисқача ёзиш.</p> <p>Грамматика: (unbestimmter/ bestimmter Artikel) аниқ ва ноаниқ артикль билан сўзларни қўллаш, ноаниқ артиклни қўллаш сингари нотаниш матнда ҳам қўллаш.</p>
Тил компетенцияси	<p>Ҳарфлар билан боғлиқ қийинчиликлар (tsch, sch, j, g, c, s, z каби лотин ўзбек ҳарфларининг чалкашлиги), умлаутли сўзларни ёзишда, тиниш белгиларида;</p> <p>Фонетикадаги қийинчиликлар: бир нечта ундош товушлар кетма-кет келгандаги талаффузда Obst, kommst, fünf, sechs каби, дифтонглар талаффузида ei (weiß, der Bleistift), ie (die Zwiebel, die Biene), eu (die Eule); баъзи сўзларга нотўғри урғу беришда; сўроқ гапларни интонация орқали ажратиб талаффуз қилишда;</p> <p>Лексикадаги қийинчиликлар: сўз ва содда сўз бирикмаларини, барқарор сўз бирикмалари, нутқнинг барқарор иборалари, диалог тузишда таниш сўзларни қўллашда («Дўконда» , «Дўстинг ҳақида сўзлаб бер»).</p>
Ижтимоий-маданий компетенция	<p>Шахслараро мулоқот кўникмасини шакллантиришда, немис тилида сўзлашувчи мамлакатлар маданияти, байрамлари ва анъаналарига нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлиш; оддий тилшуносликка оид билимларни ўзлаштириш.</p>
Ўқиб-тушуниш компетенция	<p>Чет тилидаги содда коммуникатив вазифаларни мустақил ҳал қилиш кўникма ва қобилиятларни шакллантириш; механик ёдланган матнларни баъзида нотўғри / ноўрин ҳолатларда такрорлаш; вазифаларни бажариш талабларига риоя қилиш (Aufgabenstellung); белгиланган вақтда вазифаларни бажара олмаслик (Zeitmanagement); ўқув стратегиясини танлашдаги қийинчиликлар (матн билан ишлаш, ўз-ўзини бошқариш кўникмалари, рефлексия); бажарилаётган вазифа ва фанга нисбатан қизиқишнинг йўқлиги.</p>
Компенсаторлик компетенция	<p>Тил англаб етишни қўллашда; матнни англаб етишни қўллашда; вербал ва новербал воситалардан фойдаланганда ва баёнотларга адекват реакция.</p>

Тажриба-синов давомида аниқланишича, немис тили ўқитувчиларининг (49тадан) 87 фоизи кичик мактаб ёшидаги болаларда чет тили коммуникатив

компетенцияси шаклланишининг асосий омиллари сифатида дарсларда ўйинли ёндашув ва коммуникатив методдан фойдаланишни кўрсатган. Шунингдек, 75 фоизи немис тили ўқитувчисининг фикрича, лойиҳалаш методикаси ва маданиятлараро мулоқот методи ҳам мазкур жараёнда катта ўрин тутди (2-расмга қаранг):



2-расм. Болаларнинг коммуникатив компетенциялари тикланишига кўмаклашадиган чет тилига ўқитиш методларини ўқитувчилар томонидан қўлланиши

Тажриба-синов таълимининг назорат босқичида кичик мактаб ёшидаги болаларда ўқув, жумладан, немис тилини ўрганишга нисбатан мотивация мавжудлигини аниқлаш ҳам мақсад қилинди. Зеро, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида мотивацияни ривожлантириш, бевосита, уларда ўқиб-тушуниш компетенциясининг шаклланганлик даражаси билан боғлиқ. Ўқитувчилар томонидан ўқувчиларни мотивациялашнинг қуйидаги усуллари ажратиб кўрсатилди (5-жадвалга қаранг):

5-жадвал.

ЧКК шакллантиришга таъсир кўрсатадиган мотивациялаш усуллари

Мотивациялар шакллари ва усуллари
Рағбатлаш (баҳо, ижобий қараш ва имо-ишора, яхши сўз билан ва ш.к.)
Чет тилини ўрганиш зарурлигига ишонтириш
Жазолаш (баҳо, қараш ва имо-ишора, сўз билан ва ш.к.)
Синфда ижобий психологик муҳит яратиш
Ўқитишда қўлланадиган методларнинг ранг-баранглиги
Гуруҳ билан ишлаш усулларининг ранг-баранглиги
Ўқувчиларнинг эҳтиёжларига эътибор
Чет тилини ўқитишда АКТ дан фойдаланиш
Тил муҳити ва чет тилида сўзлашиш учун шароит яратиш
Муваффақият вазиятидан фойдаланиш
Мусобақа муҳитини яратиш

Кузатишлар ва немис тили дарслари давомида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда мотивациянинг ривожланишига оид таҳлиллар якунига кўра


